



Impact of the new economic policy on the activity of religious educational institutions (on the example of the kishlaks of the Fergana valley)

Feruza ISAKOVA¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2022

Received in revised form

15 January 2023

Accepted 25 February 2023

Available online

15 March 2023

Keywords:

cultural revolution,

religion,

illiteracy,

school,

sovietization,

decree,

peasant,

donation,

mosque,

teacher,

madrasah,

method,

survivals,

literacy.

ABSTRACT

By the end of the 20s of the XX century, drastic measures were taken in the republic to eliminate old schools and madrasahs. Their activities were sharply criticized and rated as “remnants of the old way of life”. In Uzbekistan, under the pressure of the Soviet authorities, measures were taken to prevent the reformation of old-style schools, and lose the reformed ones by opening new Soviet schools.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss2/S-pp38-46>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Янги иқтисодий сиёсатнинг диний мактаблар фаолиятига таъсири (Фарғона водийси қишлоқлари мисолида)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

маданий инқилоб,

дин,

саводсизлик,

мактаб,

XX асрнинг 20-йиллари охирларига келиб, республикада эски мактаб ва мадрасаларнинг тугатилишига кескин чоралар кўрилди. Уларнинг фаолияти қаттиқ қораланиб, “эскилик сарқитлари” сифатида баҳоланди. Ўзбекистонда совет

¹ Lecturer, Department of World History, Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD), Andijan State University.

советлаштириш,
декрет,
деҳқон,
вақф,
масжид,
ўқитувчи,
мадраса,
усул,
сарқит,
хат-савод.

хукуматининг таъйиқи билан эски усул мактабларини ислоҳ қилинишига йўл қўймаслик, ислоҳ қилинганларини эса янги совет мактабларини очиш орқали йўқотиш чоралари кўрилди.

Влияние новой экономической политики на деятельность религиозных учебных заведений (на примере кишлаков Ферганской долины)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

культурная революция,
религия,
неграмотность,
школа,
советизация,
декрет,
крестьянин,
пожертвование,
мечеть,
учитель,
медресе,
метод,
пережитки,
грамотность.

К концу 20-х годов XX века в республике были приняты кардинальные меры по ликвидации старых школ и медресе. Их деятельность подверглась резкой критике и оценивалась как «пережитки старого быта». В Узбекистане под давлением советской власти были приняты меры, чтобы не допустить реформирования школ старого образца, а реформированные потерять путем открытия новых советских школ.

Қайд этиш лозимки, XX асрнинг 20-йиллар бошларида Туркистон ўлкасидаги “маданий инқилоб” ишлари халқ хўжалиги вайрон бўлган ва большевиклар бошлаб берган синфий кураш кескинлашган мураккаб шароитда олиб борилди. Мазкур даврда ўлкадаги маданий ҳаёт зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи, салбий ва ижобий ҳолатларнинг ўзаро кураши тарзида намоён бўлди. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, компартия ва совет давлатининг коммунистик ғоя асосида “маданий инқилоб” режаси НЭП (янги иқтисодий сиёсат) даврида маълум даражада тактик жиҳатдан орқага сурилди. Бунинг инъикоси сифатида 20-йиллар бошларида маданий ҳаёт соҳасига ижодий эркинлик кира бошлаганини, маъмурий буйруқбозлик тизими энди шаклланаётгани боис, маҳаллий аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида амалга оширилган ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин эди.

Янги иқтисодий сиёсат мусулмон диний мактаблари фаолиятига чек қўя олмади. Советлар тарғиботида қарамай, диний эътиқоди ва қадриятлари кучли бўлган Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона водийсининг мусулмон аҳли фарзандлари хат-саводни фақат анъанавий мактабларда олар эдилар. Совет хукумати бундай мактаблар фаолиятини тўхтатиш ва яқин келажакда уларга бутунлай чек қўйиш стратегиясини олдинга сурди. Мактабларни советлаштириш, ўсиб келаётган авлодни янги тузумга хайрихоҳлик руҳида тарбиялаш учун аввало коммунистик мазмундаги “саводсизликни тугатиш” масаласига эътибор қаратилди.

Бундан кўзланган мақсад – барча ёшдаги аҳоли саводсизлигини тугатиш билан бир қаторда, уларга ёппасига “коммунизм”дан сабоқ бериш ҳисобланган. Шунинг учун саводсизликни тугатиш маданий инқилобнинг муҳим вазифаси деб ҳисобланган. 1921 йил ноябрда Туркистон АССР ХКС республика аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет чиқарди. Унга кўра, 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган саводсиз аҳолининг барчаси давлат мактаблари ва саводсизликни тугатиш курсларида ўқитилиши лозим эди. Тез орада ўлка бўйича бундай курсларнинг сони мингдан ошиб, улар Фарғонанинг қатор уездлари (Кўқон, Марғилон, Наманган, Андижон, Ўш) қишлоқларида ҳам очилди [1].

1923 йилда Туркистон АССР маориф халқ комиссарлиги ҳузурида саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи ўлка фавқулодда комиссияси тузилди. Шундай комиссиялар жойлардаги халқ маорифи бўлимлари ҳузурида ҳам ташкил этилди. РСФСРда “Битсин саводсизлик” жамияти тузилганидан сўнг бундай жамият Туркистон АССРда ҳам ташкил топди. Ушбу жамиятнинг Фарғона филиали жойларда, хусусан қишлоқларда аҳолининг саводсизлигини тугатиш мақсадида турли “ҳафталик”, “ойликлар” ўтказиб турди. Натижада саводсизликни тугатиш мактаблари (ликбез) сони ўсиб бориб, 1924 йилда ўлка бўйича мавжуд мактабларда 10 200 нафар киши савод чиқарди [2].

Совет ҳукумати саводсизликни тугатиш ишига кўплаб кадрларни жалб қилди ва бунинг учун махсус ходимлар тайёрлашга ҳам эътибор берилди. Фарғона вилояти қишлоқларида саводсизликни тугатиш курслари томонидан турли тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, маҳаллий хотин-қизларни курсларга тортиш мақсадида турли имтиёзлар эълон қилинди. ТАССР ХКСнинг 1924 йил 11 ноябрдаги қарорига кўра, хотини ёки қизи 6 ойлик саводсизликни тугатиш курсларида ўқиётган деҳқонлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалик банкларидан кредит олиш, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуролларини 5 фоизли чегирма билан олиш, уларнинг ҳақини икки йил давомида тўлаш имтиёзларига эга бўлдилар [3]. Агар кимки ўз аёли, қизини ўқишга жўнатмаса, аксинча, улар солиқ имтиёзларидан маҳрум қилинди.

Юқорида таъкидланганидек, коммунистик мафкура, совет тузуми тарғиботларининг кенг оммага ёйишда шубҳасиз, мактаб-маориф тизими катта ўрин тутган. Янги иқтисодий сиёсат даврида бу борада маълум ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1922 йил 20 июнда Туркистон МИҚнинг “Туркеспублика мадраса ва масжидларига вақфларни қайтариш ҳақида”ги декретига кўра, эски мактабларга вақф мулклари қайтарилди. Шу билан бирга, Туркистон компартиясининг 1922 йил 16-21 октябрда бўлиб ўтган VII конференциясида совет мактабларининг эски мактабларга нисбатан юқори мавқега эга бўлиши лозимлиги уқтирилди [4]. Унда совет мактаблари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, яқин йилларда эски мактаблар ҳар қандай моддий ёрдамдан маҳрум бўлиши кўзда тутилган эди [5].

Одатда масжидлар, баъзан хусусий уй-жойларда жойлашган мактабларнинг аҳволи ҳамда таъминоти анча хароб ҳолатда бўлган. Айниқса, 1921 йилдан кейинги очарчилик, уруш асоратлари, йўқчилик боис, ҳамманинг ҳам мактабга бориш имконияти бўлмаган. Ўтин етмаганлиги сабабли мактаблар қишда совуқ, ёғингарчилик туфайли зах, чакка ўтган, атрофдаги йўллар лой, ифлос бўлса, ёзда бино иссиқ ва дим, йўллар чанг-тўзонга тўлган.

Ота-оналар асосан ўқитувчига топган озиқ-овқат маҳсулотларидан олиб келишар, мактабга қатновчи болаларнинг аксарияти ёзда оёқ яланг, қишда йиртиқ-ямоқ эски пойафзал ва кийимларда келар эдилар. Мактабларда сиёх, дафтар, китоб мутлақо етишмас, бунинг устига, ўқитиш услублари ҳам ўрта аср шароитига хос бўлган. Қишлоқ аҳолиси одатда масжидлар қошидаги мактабларни ҳашар йўли билан суваб, таъмирлаб беришар эди.

Вақфларнинг қайтарилиши мактабларнинг моддий таъминотини яхшилашга туртки бўлди. Туркистон МИҚ Кенгаши 1922 йил 28 декабрда “Вақфлар тўғрисида” деб номланган 173-сонли декретни қабул қилди [6]. Унга кўра, 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар вақфларга тегишли бўлган мулклар, масжидлар, ҳожихона, қорихона, мазорлар, шунингдек, хайрия ва маданий-маърифий муассасалар (мадраса, мактаб, етимхона ва ҳоказо) тегишли муассасаларга фойдаланишга топширилди [7]. Мазкур декретга асосан, вақф масалалари Бош вақф бошқармаси томонидан бошқариладиган бўлди. Фарғона вилоятида аввалроқ санаб ўтилган қишлоқ мактабларининг қайта фаолият кўрсатиши ҳам айнан шу масала билан чамбарчас боғлиқ эди. Айни декретга кўра, мактаб вақфи учун мутавалли масъул бўлган.

1923 йил 4 мартда ушбу декрет асосида Туркистон АССР ХКС тегишли низомни тасдиқлади. Унга кўра, мактаб ва мадрасалар Бош вақф бошқармасининг академик бўлими тасарруфида бўлган (бошлиқ Мунавварқори Абдурашидхонов) [8]. Академик бўлим олдида эски усулдаги мактаб ва мадрасаларни ислоҳ этиш, янги ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни тайёрлаш, диний арбобларни совет ҳукуматига садоқатли, инқилобий руҳда қайта тарбиялаш, эскилик сарқитлари, мутаассиблик, хурофот, бидъатга қарши курашиш ва шу мазмундаги асарларни чоп этиш, ўқув-тарбиявий ишларни Маориф халқ комиссарлиги билан келишган ҳолда амалга ошириш вазифалари қўйилди [9].

Юқоридаги масала моҳиятидан ҳам кўриниб турибдики, совет ҳукумати анъанавий мактаб ва мадрасалар фаолиятини аста-секинлик билан чеклаш, уларни “ислоҳ қилиш” қобиғи остида кейинчалик совет мактабига айлантириш, уларнинг нуфузини кўтаришни режалаштирган эди [10].

Туркистон АССР МИҚ Президиумининг 1923 йил 18 январдаги йиғилишида совет мактаблари тизимини жорий этиш, эски усулдаги мактабларни қисман ислоҳ этиш масаласи кўтарилди. Унда совет мактабини битирганларга имтиёзлар бериш, жумладан, ўқувчиларни маҳаллий солиқлардан озод этиш, давлат хизматига олиш каби имкониятлар берилиши кўрсатилди. Шунингдек эски усул мактабларини совет сиёсатига мос янги усул мактабларига айлантира бориш, кейинчалик уларни совет мактаблари тизимига киритиш, эски усул мактаблари ўқитувчиларини маориф халқ комиссарлиги органларида мажбурий суратда рўйхатдан ўтказиш масалалари ҳам шу мажлисда кўриб чиқилган [11].

Шу боис, жойларда эски усулдан янги усул мактаб тизимига ўтказиш, қолаверса, совет мактаблари тармоғини кенгайтиришга катта эътибор берилди. Бош вақф бошқармаси илмий бўлим бошлиғи Мунавварқори Абдурашидхонов эски усул мактабларида фақат диний фанларнинг ўқитилишини нотўғри деб топган. Шунингдек, мактаб ва мадрасаларни дунёвий фанлар ҳам жалб этилган янги усул тизимига ўтказиш ғоясини илгари сурди. Натижада ҳаракат авж олиб, тез орада ўлка бўйича янги усулдаги мактаблар сони – 60 тага ва ундаги ўқувчилар сони 2580 нафарга етди [12]. Эски мактабларни ислоҳ этиш дастури “Диний

мактабларни (мактаб ва мадрасаларни) қайта ташкил этишнинг қисқа лойиҳаси ва шу мактабларнинг 1923–1924 ўқув йили учун дастури” деб ном олиб, у икки бўлимдан иборат бўлган. Биринчи бўлим “Мактаблар ислоҳоти”, иккинчиси эса “Мадрасалар ислоҳоти” деб аталган эди [13].

Шунга қарамай, қишлоқ ҳудудларида анъанавий мактаблар тизими сақланиб, ҳатто 1924 йилдан уларнинг сони ортиб борди. Қишлоқдаги совет мактабларининг сони ҳам тезлик билан ошиб, 1924 йил бошида улар ўлка бўйича 1100 тага етган бўлса, йил охирида 908 тага тушиб қолди. Бунга совет мактабларининг пала-партиш ташкил этилиши, тегишли бино, жиҳоз, анжомлар, педагог кадрлар, дарсликларнинг етишмаслиги, маҳаллий бюджетда пулнинг йўқлиги сабаб бўлган [14]. Ўз навбатида, ота-оналар ҳам ўз фарзандларини яна эски усул мактабларига қайтариб бера бошладилар. 1925 йилда Балиқчи волостидаги 3 та қишлоқ ўрганилганда, уларнинг катта ёшдаги аҳолисининг бор-йўғи 3 фоизи саводли эканлиги, болалар ўртасида мактабга қатновчилар 14,1 фоизни ташкил этганлиги маълум бўлди. Волостда 6 та мактаб (227 нафар ўқувчиси) бўлиб, хотин-қизлар мактаби умуман бўлмаган.

Совет ҳукуматининг мусулмон аёлларнинг ишончини қозониш ва улар ўртасида таъсир ўтказиш борасидаги ҳаракатлари натижа бермади. Маҳаллий шароит, урф-одатлар, миллий менталитет, ислом динининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини тушунмасдан туриб, бундай масалаларни “инқилобий ҳужум” усули билан ҳал этиш вазиятни холисона ўзгартира олмади. 1922–1924 йилларда хотин-қизларни оғир иқтисодий аҳволдан чиқариш учун Қўқон ва Андижон туманларидаги йирик қишлоқлардаги ҳунармандчилик артелларига жалб этишга ҳаракат қилинди [15].

Юқорида қайд қилинган сабаблар ва бошқа омиллар 1923–1924 йиллардаги мактаб ислоҳотини секинлаштириб қўйди. Советлаштириш, совет мактабларини ташкил этиш, эски усул мактабларини ислоҳ этиш айниқса қишлоқ ҳудудларида оғир ва мураккаб тарзда кечди. Уларни шошма-шошарлик, ўйламай янги усул тарзига ўтказиш ҳам акс оқибатларга олиб келди. Анъанавий диний қарашлар, урф-одатлар кучли бўлган Фарғона қишлоқларида аҳолининг совет мактабларига бўлган муносабати ҳам эҳтиёткор тарзда ва турлича бўлган.

Бундай артеллар водийнинг Қўқон ва Андижон каби шаҳарларида очилган бўлса-да, лекин уларнинг ён-атрофидаги қишлоқ аёллари ҳам келиб ишлаган [16].

Қишлоқ хотин-қизларини совет мактаблари, ҳунар-техника ўқув юртларига жалб қилиш ҳам жуда оғир кечган. Қизлар дастлаб маҳаллий шароит, урф-одат, диний тушунчаларни четлаб ўта олмаганлар. Натижада республика бўйича таълим муассасаларига жалб этилган қизлар 7-8 фоиздан ошмаган [17].

Совет ҳокимияти томонидан ташкил этилган “Аёллар клуби”, “Қизил бурчак” каби мафкуравий марказлар дастлаб қишлоқда кенг тарқала олмаган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1922–1923 йилларда Туркистон АССРдаги саводсизликни тугатиш курсларида маҳаллий миллат аёлларидан бор-йўғи 248 нафар хотин-қиз ўқиган холос [18]. 1925 йилда Фарғона областининг Балиқчи волостида ўтказилган текширувларнинг кўрсатишича, ҳудудда саводсизликни тугатиш курсларига 15-28 нафар киши қатнаган бўлса, уларнинг орасида биронта ҳам хотин-қизлар вакили бўлмаган [19]. Кейинчалик Қўқонда очилган техникумда ҳам водий қишлоқ аёлларидан дастлаб деярли ҳеч ким ўқимаган. Кўп ҳолда мусулмон динида бўлган

татар-бошқирд аёллари Туркистон халқ маорифи комиссарлиги томонидан саводсизликни тугатиш борасида йўриқчи қилиб юборилган. Шундай йўриқчилардан бири Афиша Бурнашева 1920-йилларнинг бошида Андижон уездига келиб, қишлоқларда фаолият юритган. Кейинчалик М. Юсупова, Ш. Каримова, Ф. Редкина ва бошқа татар аёллари хотин-қизлар орасида совет мафкурасини ёйишда иштирок этишган. Умуман олганда, ўлка бўйича татар-бошқирд аёллари фаол бўлиб, улар йўриқчиларнинг 70 фоизини ташкил этган [20].

Хотин-қизлар бўлимлари фаолияти, аёллар ижтимоий муаммолари масалалари, табиийки, маълум иқтисодий шароит ва моддий маблағни талаб этар эди. Фақатгина декларатив характердаги чиқишлар, соф мафкуравий кўтаринки йиғин ва шу каби тадбирлар, айниқса, қишлоқ жойларда расмийликка айланиб улгурган эди. Юқоридаги ҳолат Туркистон АССР раҳбариятини ҳам ташвишга солиб қўйди. Шу боис ҳам 1923 йил ноябрда Туркистон МИҚ президиуми Хотин-қизлар муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этди. Лекин жамғарма қўлида жуда оз маблағ бўлгани боис амалда унинг ҳаракат доираси жуда чекланган эди [21]. Хотин-қизлар, айниқса оналар ва болалар турмуш даражаси, ҳаёт тарзининг ниҳоятда қийинлиги Туркистон Компартиясининг 1923 йил мартда бўлиб ўтган VII съездида ҳам таъкидланган ва “ўта оғир” деб тан олинган эди. Айнан ушбу съездда “янги иқтисодий сиёсат шароитига қарамай, оғир турмуш даражаси, маиший қийинчиликлардан болалар жиноятчилиги, кўча безорилиги, чайқовчилик, бузуқлик ўсиб бораётганлиги” ҳам қайд этилган эди [22]. Бу эса бутун ўлка каби Фарғона водийси қишлоқларига ҳам хос эди.

Фарғона вилоятининг 5 та уездида 1917 йил октябрь воқеаларига қадар 2 460 та эски усул мактаблари ва 105 та мадраса фаолият кўрсатгани водий аҳолисининг илм-маърифатга интильганидан дарак берар эди. Ўз вақтида Қўқон уездида 260 та, Марғилон уездида 297 та, Андижон уездида 316 та, Наманган уездида 296 та, Ўш уездида 42 та мактаб фаолият юритган [25]. Қуроли қаршилик ҳаракати, қизил армиянинг урушлари, советларнинг “ҳарбий коммунизм” сиёсати, оғир турмуш шароити, кескин сиёсий вазият водийдаги маориф, хусусан қишлоқ мактаблари тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Кўплаб мактаблар жанговар ҳаракатлар, талончилик, иқтисодий танглик, аҳолининг ўз уй-жойларини тарк этиши ва бошқа сабабларга кўра ёпилиб кетган, бинолари бузилиб вайронага айланган, баъзилари турли мақсадларда ишлатилган. Бунинг устига, советлар томонидан мактаблар иқтисодий асосини таъминловчи вақф мулкларининг тортиб олиниши ва мусодара этилиши ҳам уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Янги иқтисодий сиёсат даврига келиб, вақфларнинг маълум қисмининг қайтарилиши, қолаверса 1922 йил 22 октябрда Туркистон МИҚнинг “Мактабларга диний билимларни ўқитиш ҳуқуқини бериш ҳақида”ги қарорининг эълон қилиниши Фарғона вилоятидаги қишлоқ мактабларининг аста-секинлик билан фаолият бошлашига йўл очиб берди. Жумладан, Қўқон шаҳри атрофидаги Бачқир участкасидаги қишлоқлар (Қияли, Турк, Тантиқ ва б.)да, Ултарма волостидаги Оқ Чангал, Риштон волостидаги Тўла, Каптут, Исфара волостининг 5 та қишлоғида, Марғилон уезди Ёзёвон волостидаги Лаган, Аввал, Аравон волостининг Аравон, Қўқонқишлоқ волостининг 6 та қишлоғида, Андижон уездининг Балиқчи волостидаги машхур Гўровон қишлоғидаги тарихий мактаб, шу волостдаги Нур Мирзобой, Сўфи ота мактаблари, Пойтуғдаги машхур мактаб, Наманган уездида

Хонобод қишлоғидаги тарихий мактаб, Янгиқўрғон қишлоғидаги мактаб, Олмос волости Гова қишлоғи мактаби, Варзик волости Варзик қишлоғидаги ўғил ва қиз болалар мактаблари, Тўрақўрғондаги Ибрат домла мактаби, Ўш уездидаги Бобо Хўжа Эшон, Қўшлар қишлоқ мактаблари, Сўфи қишлоғидаги Мулла Собир мактаби ва бошқалардаги вақф мулклари қайтарилиб, расмий рухсатдан сўнг ишга туширилди.

1923 йил 1 сентябрда берилган маълумотда келтирилишича, 3 та вилоят (Сирдарё, Самарқанд, Фарғона) бўйича жами 224 та ислоҳ қилинган эски усул мактаблари рўйхати олинган. Уларнинг 57 таси Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, 10 таси қайта ташкил этилган мактаблар сирасига кирган. Ҳолбуки, 1917 йилда мазкур вилоятларда 1500 га яқин мактаб ва қорихоналар бўлиб, уларнинг 80-90 фоизи вақфлар ҳисобига кун кечирган [32].

1925 йилда Балиқчи волостидаги 3 та қишлоқ ўрганилганда, уларнинг катта ёшдаги аҳолисининг бор-йўғи 3 фоиз саводли эканлиги, болалар ўртасида мактабга қатновчилар 14,1 фоизни ташкил этганлиги маълум бўлди. Волостда 6 та мактаб (227 нафар ўқувчиси) бўлиб, хотин-қизлар мактаби умуман бўлмаган. Ўқувчиларнинг 50 фоизини камбағалларнинг фарзандлари ташкил қилган (20 фоизи – ўзига тўқ оилалар, 30 фоизи – ўртаҳол деҳқонлар фарзандлари эди). Волостдаги Чинобод номли қишлоқ мактабида 60 нафар ўқувчи ва 2 нафар ўқитувчи бўлган. Уларда бор-йўғи 6 та алифбе китоби бўлиб, қишлоқдаги кўп болалар мактабга қатнамаган. Мактабдаги шароит оғир бўлиб, маҳаллий совет маъмурияти мактабга ҳеч қандай моддий ёрдам бермаган. Бир йил ўқиш (1924-25) давомида уезд халқ таълими бўлимида ҳеч ким келиб, мактабдаги ҳолат билан қизиқмаган. Шу боис, ота-оналар ўз фарзандларини янги усул, совет мактабларидан олиб, қайта эски усул мактабларига берганлар. Волостда 6 та саводсизликни тугатиш мактаблари бўлиб, уларга ўрта ҳисобда 15 нафардан 28 нафаргача кишилар қатнаган [34].

Худди шундай ҳолат вилоятдаги барча волостларга ҳам хос эди. Совет мактабларидаги иш ҳақининг пастлиги (ўртача 12 рубль, бошқа соҳаларда ўртача 30 рубль) ҳам педагог ўқитувчиларнинг мактабларни тарк этишларига сабаб бўлар эди [35].

Юқорида қайд қилинган сабаблар ва бошқа омиллар 1923–1924 йиллардаги мактаб ислоҳотини секинлаштириб қўйди. Советлаштириш, совет мактабларини ташкил этиш, эски усул мактабларини ислоҳ этиш айниқса қишлоқ ҳудудларида оғир ва мураккаб тарзда кечди. Уларни шошма-шошарлик, ўйламай янги усул тарзига ўтказиш ҳам акс оқибатларга олиб келди. Анъанавий диний қарашлар, урф-одатлар кучли бўлган Фарғона қишлоқларида аҳолининг совет мактабларига бўлган муносабати ҳам эҳтиёткор тарзда ва турлича бўлган.

Шу тариқа, 1925–1926 йилларга келиб Ўзбекистондаги эски усул мактаблари сони 1585 тани, ундаги ўқувчилар сони эса тахминан 16 минг нафарни ташкил қилган. Фарғона вилоятида эса шу даврда 157 та эски усул мактаблари фолият юритган [36]. Ҳар бир мактабда ўртача 10-12 нафар ўқувчи ўқиган. Совет мактаблари кўп ҳолда шаҳарларда фаолият кўрсатиб, уларда русийзабон аҳоли кўпчилигини ташкил этар эди.

Большевиклар партияси ва совет давлатининг “маданий инқилоб” стратегияси ўз олдига ўлка халқлари онгидан “эскилик сарқитлари”ни сиқиб чиқариш, унинг ўрнига “янги маданият”ни сингдириш баҳонасида асосан

коммунистик тарбияни амалга оширишни мақсад қилиб қўйди. Шу сабабли, жойларда коммунистик партия томонидан халқ оммаси орасида марксча ташвиқот ва тарғиботни авж олдиришга катта аҳамият берилди. Жойларда ташкил қилинган маданий муассасалар халқ оммасини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларда большевистик ақидаларга нисбатан ишончни шакллантириш ва шу йўл билан ҳукмрон кучлар мавқеини мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинди. Турли ташвиқот бригадалари ҳам қишлоқларда аҳоли руҳиятига тўғри келмайдиган “пролетар маданияти” (пролекульт)ни тарғиб этувчи мазмундаги тадбирлар уюштириб, уларда европача турмуш тарзини тарғиб этдилар, анъанавий қадриятлар, диний маросимлар “хурофот” сифатида қораланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Культурное строительство в Туркестанской АССР (Сборник документов). Том 1. – Ташкент: Узбекистан, 1973. – С. 5.
2. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2351-иш, 77-варақ.
3. История Узбекской ССР. В 4-х томах. Т. III. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 375.
4. Туркестанская правда. 1922 год. 17 октября.
5. 20-йилларда миллий мактаб-маориф тизимида кечган жараёнлар ҳақида қаранг: Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мактаб ва мадрасалар тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номз. ... дисс. – Андижон, 1996; Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифдаги ўзгаришлар. Тарих фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2009.
6. Ўз МА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 319-иш, 190-варақ; Ўз МА, Р-94-жамғарма, 1-рўйхат, 317-иш, 25-варақ.
7. Ўз МА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 1029-иш, 62-варақ.
8. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2272-иш, 2–4-варақлар.
9. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2272-иш, 3–4-варақлар.
10. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1758-иш, 46-варақ.
11. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1758-иш, 46-варақ.
12. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1758-иш, 77-варақ.
13. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2302-иш, 140-141-варақлар.
14. Жураев М. Повышение культурно-технического уровня колхозного крестьянства Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 16.
15. Исакова Ф.Р. Женский вопрос и попытки его решения в Ферганской долине (конец XIX- начало XX вв.) // ҚарДУ хабарлари. – Карши, 2020. – С. 246.
16. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 202–203.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 273.
18. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 278.
19. Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Выпуск V. Балыкчинская волость. – Ташкент: Ср.-Аз. бюро ЦК ВКП(б), 1927. – С. 5.
20. Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20-30 йиллар. Тажириба ва оқибатлар). Тарих фанлари номз.дисс... – Тошкент, 1999. – Б. 110.

21. Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1917–1936 гг.). Сборник документов и материалов. – Москва: Мысль, 1971. – С. 334.
22. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – С.519.
23. Туркестанская правда. 1922 год. 17 октября.
24. 20-йилларда миллий мактаб-маориф тизимида кечган жараёнлар ҳақида қаранг: Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мактаб ва мадрасалар тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номз...дисс. – Андижон, 1996; Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифдаги ўзгаришлар. Тарих фанлари номз.дисс. – Тошкент, 2009.
25. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). – Москва: Академия пед.наук РСФСР, 1960. – С. 333.
26. Ўз МА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 319-иш, 190-варақ; Ўз МА, Р-94-жамғарма, 1-рўйхат, 317-иш, 25-варақ.
27. Ўз МА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 1029-иш, 62-варақ.
28. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2272-иш, 2-4-варақлар.
29. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1758-иш, 46-варақ.
30. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 1758-иш, 77-варақ.
31. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2302-иш, 140-141-варақлар.
32. Ўз МА, Р-34-жамғарма, 1-рўйхат, 2727-иш, 192-варақ.
33. Жураев М. Повышение культурно-технического уровня колхозного крестьянства Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1987. – С.16.
34. Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Выпуск V. Балыкчинская волость. – Ташкент: Ср.-Аз. бюро ЦК ВКП (б), 1927. – С. 7–8.
35. Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар. – 1997. – № 3-4. – Б. 80.
36. Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифдаги ўзгаришлар. Тарих фанлари номз.дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 83.